

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 1 декабрь, № 233 (5400)

Пайшанба

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 30 ноябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.



Биз одатда юртимиз, Ўзбекистонимизни Оллоҳнинг назари тушган замин, деб атаймиз. Бунинг яққол воҳасида Қашқадарё воҳасини қуриш ўринлидир, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, Қашқадарё деганда, барчамиз гўзал ва бетакрор бир ўлкани, мана шу заминга меҳр ва садоқат билан яшаётган, меҳнат қилаётган бағрикенг, азми қатъий инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз. Бу заминнинг ер ости ва ер усти бойликлари, галла ва пахта етиштириш бўйича республикамизда етакчи ўринда туриши, бугунги кунда юртимизда қазиб олинган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 93 фоизи айти шу вилоят ҳиссасига тўғри келиши шундай деб айтишга тўла асос беради.

Бу воҳада мужассам бўлган улкан моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти, айниқса, мустақиллик йилларида ёрқин намойиш бўлиб, эл-юртимиз манфаати, Ватанимиз равнақи йўлида хизмат қилаётгани барчамизни қувонтиради. **Айни вақтда бу қадимий ва нақирон диёрнинг энг катта бойлиги, ҳеч шубҳасиз, унинг ҳаёт синовларида тобланган, бағрикенг, мурд ва ориятли халқидир, деди давлатимиз раҳбари.**

Сессияда Қашқадарёдаги бугунги аҳвол, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, депутатларни, вилоят жамоатчилигини нималар қониқтиради, нималарга эса салбий баҳо беришимиз керак, деган саволлар асосида тегишли хулосалар чиқариб, фикр алмашиб олиш мақсадга мувофиқ экани алоҳида қайд этилди. Биринчи навбатда, Қашқадарё вилоятининг улкан салоҳиятини рўёбга чиқариш, ишни тўғри ташкил этиш, аввало, шу заминда яшаётган миллионлаб одамларни бевозта қилаётган, ҳали-бери ечимасдан келаётган муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, вилоятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Эсингизда бўлса, сизлар билан шу йилнинг июнь ойида, яъни пахтачиликда ҳосил тақдирини ҳал бўладиган муҳим паллада учрашган эдик, деб ўз фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Айтиш кераки, яқунланаётган 2011 йилда об-ҳавонинг гоят ноқулай келгани, қаттиқ қурғоқчилик ва сув тақчиллиги қишлоқ ҳўжалиги учун жиддий муаммо-

лар туғдирди. Аммо фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг кўп йиллик тажрибаси, омилкорлиги ва мардона меҳнати ҳисобидан вилоятда 400 минг тоннадан ортиқ пахта, 821 минг тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этилганини таъкидлаб ўтмоқчиман, деди Ислон Каримов.

Мажлисда бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Қашқадарё воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга ошириляётган ҳақида фикр юритилиб, қуйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган, саноат корхоналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш дастури доирасида Қашқадарёда кейинги тўрт йил мобайнида ёқилғи-энергетика, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида ўсиш жараёнлари кузатилмоқда. Шу даврда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ортиб, ўртача йиллик ўсиш даражаси 6,7 фоизни ташкил этди.

Айни вақтда вилоят иқтисодиётига киритилётган инвестициялар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам эътиборлидир. Бу ҳақда гапирганда, "Муборакнефтьгаз", Муборак газни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё, Кўкдумалоқ-газ, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси каби нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда ҳам энг йирик ҳисобланган саноат корхоналарида амалга оширилган катта-катта инвестиция лойиҳаларини эслаб ўтиш зарур.

Вилоятда ҳозирги кунда нефть, газ ва конденсатдан кенг фойдаланиш билан бирга, кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Масалан, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи билан бирга, кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Масалан, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи билан бирга, кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда. Масалан, Деҳқонбод калийли ўғитлар заводи билан бирга, кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ҳам жадал ривожланмоқда.

Шунингдек, мазкур заводнинг иккинчи навбати қурилмоқда ва у фойдаланишга топширилганидан сўнг маҳсулот ҳажми 3 баробар ортиб, йилга 600 минг тонна ўғит ишлаб чиқаришга эришамиз.

Ҳозирги вақтда вилоятда 493 минг гектар майдонда деҳқончилик қилиниб, мамлакат бўйича тайёрланган жами пахтанинг деярли 13 фоизи, галланинг 14 фоизи айнан Қашқадарёда етиштирилмоқда. Вилоят чорвачилик ва боғдорчилик, паррандачилик каби соҳаларда ҳам катта имкониятларга эга.

Ризқ-рўзимиз манбаи бўлган ерининг унумдорлигини ошириш, мелиорация объектларини реконструкция қилиш, қуриш, таъмирлаш ва тиклаш мақсадида вилоятда кейинги уч йилда 34,5 миллиард сўм ҳажмидаги ишлар бажарилгани ва бунинг натижасида 91,7 минг гектар суғорила-тилган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришдек эзгу мақсад доимий равишда давлат сиёсатимизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Қашқадарёда бу йўналиш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Бу ҳақда гапирган эканми, аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар, соғлиқни сақлаш муассасалари, илм-фан, таълим, маданият ва спорт масканлари, замонавий тураржой бинолари, кўпжаб савдо объектлари, бозорлар, сервис ва хизмат кўрсатиш тармоқлари бунёд этилганини айтиб ўтиш лозим.

Биз учун энг катта бойлик бўлган эл-юрт саломатлигини асраш, хусусан, қариялар, аёллар ва болаларнинг соғлигини муҳофаза қилиш бўйича ишлар жиддий равишда амалга оширилган катта-катта инвестиция лойиҳаларини эслаб ўтиш зарур.

Шулар қаторида вилоятда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилляётгани, Қашқадарё ёшлари спортнинг турли соҳаларида эришяётган ютуқлар ҳақида тўхталиб, Юртбошимиз, айниқса, вилоятнинг "Насаб" футбол жамоаси бу йилги мавсумда Осиё қитъаси кубогини кўлга киритганини бутун Ўзбекис-

тон аҳли мамлакатимизда футбол тобора ривож топиб бораётганининг яққол нишони деб қабул қилиши ва халқимиз бундай ютуқ билан сўзсиз ғурурланиши табиий эканини таъкидлади.

Албатта, вилоят ижтимоий ҳаётидаги бундай катта ўзгаришлар шахар ва қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартирибгина қолмасдан, энг муҳими, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтирмоқда, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Узоққа бормасдан, мана шу Қарши шаҳрини оладиган бўлсак, ўзингиз бир қаранг, унинг бугунги кўрку чиройини кечаги ҳолати билан мутлақо солиштириб бўлмайди, деди Ислон Каримов. Қашқадарёда бўлаётган кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришларга бошқа вилоятларда яшаётган юртдошларимиз ҳам ҳавас билан қарамоқда ва бобомиз Амир Темур тузилган юртни зиёрат қилиб келайлик, деб бу заминга интиляётган одамлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Сессияда ўз ечимини кутиб турган, вилоятда яшаётган аҳолининг бугунги ва эртанги кунига бевосита боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш ҳақида ҳам атрафлича сўз юритилди.

Агарки ўзимиз ўз ишимизга танқидий баҳо бермасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди. Бағрикенг, ўз кучига ишонган одамларгина ўзининг ишига тўғри баҳо бериш, камчиликларни мардона тан олиб, уларни тузатишга қодир бўлади, деди Президентимиз.

Шу нуктаи назардан қараб, вилоятда амалга оширилган ишларга ҳолисона баҳо берар эканми, энг муҳими, Қашқадарё воҳасининг салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлида ўз ечимини кутаётган муаммоларни ўзимизга тасаввур қилар эканми, охири йилларда йўл қўйилляётган нуқсон ва камчиликлар, бир сўз билан айтганда, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш суръатлари пасайиб бораётганига эътибор беришимиз зарур. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигини оладиган бўлсак, ислохотларни амалга ошириш, соҳани модернизация қилиш ва унга замонавий технологияларни жалб қилиш масалаларида жиддий камчиликлар мавжудлиги яққол кузатилмоқда. Жорий йилда ўтган йилга нисбатан 32 минг тонна пахта, 164 минг тонна галла кам етиштирилгани бу борадаги ана шундай оқсоқликка мисол бўла олади. Пахтачиликда 5 та туман ва 950 дан ортиқ фермер ҳўжалиги ёки жами фермер ҳўжалиқларининг 19 фоизи шартнома мажбуриятларини бажармагани туфайли 18 минг тоннадан кўпроқ пахта хом ашёси етказиб берилмади. Пахта ҳосилдорлиги эса 8 та туманда ўтган йилга нисбатан ўртача 2 центнерга камайиб кетди. Галла бўйича ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Яъни 270 та фермер ҳўжалиги томонидан шартномада белгиланганидан 10 минг тонна дон кам етказиб берилган.

Бугун бундай ҳолатнинг сабабини вилоятдаги қайси раҳбардан сўрасангиз, албатта, табиат инжиқчилигини, сув танқислигини баҳона қилиб нолишдан нарига ўтмайди. Лекин азалий бир ҳақиқат борки, нолиб, ношуқур бўлиб яшасанг, ишинг ҳам юришмайди. Ахир бундай табиий қийинчиликлар фақат Қашқадарёда юз бераётгани йўқ-ку, деди Юртбошимиз.

Аваллабор, вилоятда селекция ва уруғчилик ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, навларни тўғри танлаш ва жойлаштиришдаги камчиликлар, мавжуд техника паркиннинг эскирган, агротехника тадбирларини кўпол бузиш ҳолатлари шундай салбий оқибатларга олиб келаяётганига эътибор қаратилди. Вилоятда гўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш ишлари ҳам қониқарсиз бўлиб,

ҳар йили гўза навининг 15-18 хили синаб қўрилишига қарамасдан, ҳудудга мос навларни танлаш ва жорий этиш ишлари аниқ тизим асосида йўлга қўйилмаган. Асосий майдонларга бундан 20 йил олдин бошқа ҳудудлар учун мўлжаллаб яратилган "Бухоро-6", "Наманган-77" навлари эжилмоқда.

Маълумки, 2008 йилда вилоятда Қашқадарёнинг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган буғдойнинг янги навларини яратиш, айниқса, қаттиқ буғдой навларини кенг жорий қилиш мақсадида Бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти ташкил қилинган эди. Бугунги кунга қадар бу институтда 16 мингдан ортиқ турли нав ва линиялар сновдан ўтказилган бўлса-да, ҳали ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган навлар йўқ, бир сўз билан айтганда, аниқ натижа қўринмапти. Бу ердаги ишлар паллартиш ташкил этилиб, институт фаолиятида мантиқ ва мазмуннинг етарли эмаслиги тобора ўз исботини топмоқда. Бу институт мисолида илм-фаннинг сўнги ютуқларини амалиётда қўллаш эмас, балки бу илмий даргоҳни раҳбарларга ва жамоатчиликка кўз-кўз қилиб, сохта обрў орттиришга уриниш мақсади борлиги мажлисда афсус билан қайд этилди.

Вилоятда саноат тармоқларини барқарор ривожлантиришга етарли эътибор берилляётгани, режалаштирилган лойиҳалар ўз вақтида амалга ошириляётгани, мавжуд салоҳият ва қувватлардан самарали фойдаланиляётгани ҳам жиддий муаммага айланб бормоқда.

Биринчидан, вилоятда ўтган йили саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2009 йилга нисбатан пасайиб, 96,8 фоизга тушиб қолган. Айниқса, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарида мавжуд усуналар эскиргани маҳсулотлар сифати пастлигига ва уларни ишлаб чиқаришга энергиянинг меъёридан ортиқча сарфланишига олиб келмоқда. Натижада маҳсулот таннарихи ошиб, қўриладиган зарар микдори кўпайиб бормоқда. Бугунги кунда вилоятда зарар қўриб ишлаётган корхоналар сони 9 тага етиб, умумий зарар микдори 1,2 миллиард сўмни ташкил этаётган бўлса-да, бундай мураккаб аҳволни тузатиш учун зарур амалий чоралар қўрилямапти.

Иккинчидан, ишлаб чиқариляётган маҳсулотларни диверсификация қилиш, яъни уларнинг турини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотни кўпайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътиборининг қаратишини истардим, деди давлатимиз раҳбари. Бу борада муҳим ўрин тутиши лозим бўлган маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Вилоятдаги мавжуд 2 минг 821 та корхонадан фақат 7 таси ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш билан шугулланмоқда. Жорий йилда дастурга, бор-йўғи, иккита янги лойиҳа тақлифи берилган. Бундай ҳолат йилдан-йилга такрорланиб, сурункали тус олаётгани, айниқса, ачинарлидир.

Ҳар йили мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси доирасида яратилган имкониятлардан вилоятда кенг ва самарали фойдаланилямапти. Жумладан, жорий йилнинг октябрь ойида ўтказилган навбатдаги ана шундай ярмаркада вилоятдан фақат 11 та корхона иштирок этган, ҳолос. Улар имзолаган шартномалар қиймати 2012 йилда вилоятда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг атиги 0,5 фоизини ташкил этади. Ўз-ўзидан савол туғилади: вилоят раҳбарларининг бундан хабари борми ёки йўқми?

(Давоми 2-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Т. И. Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасида ҳамда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ;  
**Туробжон Икромович Жўраев** Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Сурхондарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 30 ноябрь

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Н. Зайниевни Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ;  
**Нуритдин Зайниев** Қашқадарё вилояти ҳоқими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2011 йил 30 ноябрь

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ Кўриб чиқилди

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф этган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши қонвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Конвенцияда суверенитетни ҳимоя қилиш тўғрисидаги нормалар мустаҳкамланган, терроризмнинг олдини олиш юзасидан давлат ичкарисиде қўриладиган чора-тадбирларнинг тахминий рўйхати келтирилган, Конвенциянинг қўлланилиш соҳаси белгиланган. Юрисдикция чегаралари аниқлаб қўйилган, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш асослари ва бундай ёрдам кўрсатиш тартиби шакллантирилган. Шунингдек, Конвенцияда судланганларни ушлаб бериш ва топширишнинг ҳуқуқий тартиботи мустаҳкамланган, ШХТга аъзо бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг ШХТга аъзо бошқа бир давлат ҳудудидаги тезкор-қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларида иштирок этиши масалалари акс этган.

Хужжати атрофлича муҳокама қилиш чоғида тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар қабул қилинган қонун ҳужжатларининг тегишли соҳалардаги ишларни янада такомиллаштириш, жойларда қонунчиликни мустаҳкамлаш учун муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Шундан сўнг депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойи-

ҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур ҳужжат 2012 йилги солиқ сиёсатининг концепциясига мувофиқ, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Уй-жой, Солиқ кодексига ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши 2012 йил учун тасдиқланган солиқ сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий шарт-шароит яратди, шунингдек, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини аниқлаштириш имконини беради.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу қонунни ҳам қабул қилди-лар, ҳужжат Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари савол-жавоблар ҳамда тақлифлар билан сўзга чиқдилар. Депутатлар қабул қилинган қонун ҳужжатларининг тегишли соҳалардаги ишларни янада такомиллаштириш, жойларда қонунчиликни мустаҳкамлаш учун муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг маъбулот хизмати.



Республикамиз банк-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар туфайли молия муассасаларининг тадбиркорлар билан ишлаш жараёни ҳам тобора соддалаштирилмоқда. Банклар томонидан ишбилармонлар учун қулай ва имтиёзли шартлар асосида маблағлар ажратиладигани

бунинг тасдиғидир. “Ўзсаноатқурилишбанк” очик акциядорлик тижорат банки бу борада муайян тажрибага эга бўлиб, унинг 43 та филиали, 92 та минибанки, 168 та жамғарма кассаси, 150 тага яқин махсус касса ва шохобчалари бир миллиондан ортиқ миқозга қарийб 60 турдаги банк хизматларини таклиф этмоқда.

“Энг яхши бизнес госяи” сингари кўрик-танловлар шулар жумласидандир. Кеча пойтахтимизда банк миқозлари учун мўлжалланган ана шундай танловлардан яна бири

**Хизмат**  
лашганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Яқунда “Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш бўйича энг яхши бизнес лойиҳа” йўналишида пойтахтимиздаги “Dream Imprex Group” хусусий корхонаси, “Энг яхши инновацион лойиҳа” йўналишида Бухоро вилоятидаги “Альфа Омега” масъулияти чекланган жамияти, “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича энг яхши бизнес лойиҳа” йўналишида Наманган шаҳридаги “Дилбарой Малҳам Шифо” хусусий корхонаси, “Қишлоқ жойларда энг яхши бизнес лойиҳа”, “Аёл тадбиркорлигининг энг яхши бизнес лойиҳаси” йўналишида эса Қорақалпоғистон Республикасидаги “Алиббег қўл” фермер хўжалиги ҳамда “Роза Торғ Нукус” масъулияти чекланган жамияти қўлиб деб топилди, улар банкнинг имтиёзли кредитидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

# ИСТИҚБОЛЛИ БИЗНЕС ЛОЙИҲАГА – ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Мазкур молия муассасасининг бундай самарали фаолияти халқро доирада ҳам эътироф этилаётгани қувонарлидир. Гап шундаки, “Ўзсаноатқурилишбанк”ка жорий йилнинг ўзида дунёдаги энг нуфузли ташкилотлар — “Fitch Ratings” ва “Standard&Poor’s” халқаро рейтинг агентликлари томонидан “ишончли ҳамда барқарор молия муассасаси” рейтинг берилдики, бу кўпглаб давлатларда жaxon молиявий-иқтисодий инқирозга таъсири ҳамон сезилиб турган бир пайтда мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, банк-молия тизими изчил ривожланаётганига яққол мисол бўла олади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида мазкур соҳа вақилла-



Яқунда 1-Тошкент юридик коллежининг “Куч адолатдир” ҳамда Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежининг “Девантус” жамoалари биринчи ўринга сазовор бўлишди. Иккинчи ўринга Наманган вилоятининг “Ўзбегим ёшлари”, учинчи ўринга эса Жиззах ҳамда Фарғона ҳуқуқшунослик коллежларининг жамoалари лойиҳа деб топилди.

яқунланди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда танловнинг аҳамияти хусусида сўз юритилиб, қўлиблар муносиб тақдирланди.

Беш йўналишда ўтказилган навбатдаги танловда республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган юзлаб тадбиркорлик субъектлари ўз лойиҳалари билан иштирок этган бўлса, ҳайъат аъзолари уларнинг маҳаллий хом ашёдан умумли фойдаланаётганлигига, янги иш ўринлари яратиш имкониятига, шунингдек, чекка ҳудудда жой-

рига салкам 260 миллиард сўм миқдорига кредит ажратилиб, бунинг эвазига 4 минг 928 та иш ўрни яратилди. Бунда, табиийки, банкнинг филиалларида “Тадбиркорлар хонаси” ташкил этилгани ва бу ерда миқозларга малакали мутахассислар томонидан зарур маслаҳатлар берилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Банк томонидан, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қатор танловлар ташкил этилаётгани

ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётир. Талабалар ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ташкил этилган “Энг яхши инновацион бизнес госяи”,

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинган кун

### ЁШ ҲУҚУҚШУНОСЛАР ТАНЛОВИ

Самарқандда Адлия вазирлиги ташаббуси билан Конституциянинг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Ёш ҳуқуқшунослар” республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Танловда ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган коллеж ва лицей ўқувчилари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар, шунингдек, Президентимиз асарлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар борасидаги билимларини синовдан

ўтказдилар. Шу билан бирга, беллашувда мустақиллик йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларга доир кўргазма намойиш этилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати.

### Ўзбекистон экологик ҳаракатида «Ишонч телефони» мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

Хурматли юртдошлар! Сиз яшаш ва иш жойингиздаги экологик муаммолар ҳамда атроф-муҳитга оид қонунбузарликлар ҳақида “Ишонч телефони”га — (8 371) 245-96-32 рақамига ҳафтаининг шанба ва яқшанбадан ташқари барча кунлари эрталаб соат 9:00 дан 18:00 гача кўнғироқ қилишингиз мумкин.

### ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича стажёр-изланувчи-тадқиқотчи лавозимига қабул эълон қилади:  
17.00.03 — Кино санъати  
17.00.08 — Маданият назарияси ва тарихи  
Ҳўжжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.  
Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.  
Телефонлар: (8-371) 255-88-17, 255-16-08.

## Реклама ва эълонлар

**Жаннатмонанд диёримиз аҳли ва меҳмонларини 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 19 йил тўлиши муносабати билан табриқлайди.**

**ОАТ «Туронбанк» сизларга 2 ой муддатга БЕПУЛ «SMS Banking» хизматига улашиш ва фойдаланишни таклиф қилади. Ақция 2011 йил 1 декабрдан амал қилади!**

**Кўшимча маълумотлар ва «SMS Banking» хизматини ёқтириш учун ўз операторингизга мурожаат қилинг.**

**ОАК «Туронбанк» предлагаёт вам подключение услуги «SMS Banking» с обслуживанием на 2 месяца БЕСПЛАТНО. Ақция дейстует с 1 декабря 2011 года!**

**За подключением обращайтесь к своему оператору.**

**Телефон: (+998 97) 700-55-55.**

**«Туронбанк» — сизнинг ҳамкорингиз!**

**Standard Insurance** Лицензия СФ № 00154 26.05.2011 йил

Корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелдаги «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ГИ Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида «Standard Insurance» МЧЖ томонидан корхоналар/иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси амалга оширилмоқда.

Суғурта агентларини суғурта шартномаларини тузиш учун ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.

«Standard Insurance» МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари марказларида ўз минтақавий филиалларига эга.

Манзил: Тошкент ш., Т. Шевченко к., 31-уй.  
Телефонлар: (+998 71) 281-55-26 (71), 281-56-03 (18), (+998 97) 785-99-33, 483-99-33. Факс: 281-55-27.

**ПУЛТАТ КУВУРЛАР**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР** — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР** — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**Квадрат кесимдаги ПУЛТАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

**Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛТАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

**КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ** — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

**ПРОФНАСТИЛ** — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР** 9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. E-mail: reklama@xs.uz

Tsh 64-20438253-01: 2011 **ООО «TAYFUN PLASTIK»** **ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:**

**ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ «MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные**

**ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ: КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах для производства полипропиленовых мешков,**

из расчета 25 кг полипропилен для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

**КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**

Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.

**MEBEL VA QURILISH MATERIALLARI KENG ASSORTIMENTDA** **А-FAYZ**

- МЕБЕЛ
- LDSP
- POROLON
- SEMENT
- HAR XIL MIXLAR
- ELEKTROD
- REYKALAR
- IZOL

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

**Тел.: 279-00-88.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Сурункали ёмғир оқибати

Таиландда юз берган сув тошқинлари сабаб қурбон бўлганлар сони 661 нафарга етди, уч киши бедарак йўқолган.



Бу ҳақда “ИТАР-ТАСС” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Табиий офат натижа-сида мамлакат маркази ва жанубидаги 14 та музофот жиддий зарар кўрган. Мазкур ҳудудларда кўпглаб турар-жой биноларини сув босган, қарийб 5 миллион аҳоли бошпанасиз қолган. Даст-лабки ҳисоб-китобларга қараганда, давлат иқтисодиётига 43 миллиард АҚШ доллари миқдорига зиён етган.

Таиланддаги тошқинларга сурункали ёққан ёмғир сабаб бўлган.

### Хакерлар ҳужуми

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумот базаси хакерлар ҳужумига учради, дейилади “BBC News” хабарида.

### Қарз ботқоғига ботмоқда

Европадаги “Thomas Cook” сайёҳлик опера-торининг аҳоли тобора мураккаблашмоқда. “Евроньюс” телеканали хабарига қараганда, мазкур муассаса шу кунларда банклардан яна 230 миллион евро миқдорига кредит олган. Натижада унинг умумий қарзи 1,1 миллиард еврога етган. “Thomas Cook” фаолиятини жонлантириш мақсадида шундай йўл тутишга мажбур бўлган. Бундан ташқари, туроператор харажатларни қисқартириш учун мингта иш ўринини қамайтиришни ва бир қатор агентликлар фао-лиятини тўхтатишни ҳам режалаштирмоқда.

### Шифокор жазога тортилди

АҚШлик марҳум қўшиқчи Майкл Жексоннинг шахсий шифокори Конрад Мюррей тўрт йиллик қамоқ жазосига тортилди. Ўтказилган суд жараё-нида изоҳланганича, у ўз касб мажбуриятларига со-вуққонлик билан ёндашган. Гап шундаки, Мюррей Жексонга кўп миқдорда “Пропофол” препаратини бериб қолган. Бу охи-роқибат кўшиқчининг юра-гига салбий таъсир ўтказ-ган. Шифокор эса шу пайт-гача Майклнинг ўзи “Пропофол”ни ўлимга олиб келадиган миқдор-да қабул қилганини таъкидлаётгани.

### Филиппинда зилзила

Филиппинда 6 балли зилзила содир бўлди. Унинг кучли таъсири, асосан, Лусан оролида сезил-ган. Ер силкинishi маркази Олонгапо шаҳридан 152 километр, пойтахт Маниладан 230 километр узоқликда қайд этилган. Талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

### Рейтинг натижаси

“Mercer” компанияси томонидан олиб борилган сўровномада Вена энг намунали шаҳар деб топилди. Зеландиянинг Окленд ша-ҳарлари эгаллаган. Айтиб ўтиш жоизки, бу номга лойиҳ кентни аниқ-лашда у ердаги инфра-тузилма ривож, тиббий ва ижтимоий муассаса-ларда хизматлар сифати, даромадли иш топиш учун яхши имконият мав-жудлиги ҳамда сиёсий ва иқтисодий барқарорлик-ка асосий эътибор қара-тилади.

**«KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 23 ноябрдаги 227 (5394)-сонига чоп этилган хабарнома билан «KOSHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Юнусобод тумани, 10-даха, 16-уй, 92-хонадон манзилида жойлашган, умумий майдони 94,05 кв.м. бўлган 4 хонали уй-жой бўйича эълон бекор қилинганлигини маълум қилади.

Асос: Юнусобод тумани СИБнинг 2011 йил 28 ноябрдаги К-8/17-сонли хати.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-80-26.

Лицензия: RR-0001.

# ОСУДА ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Ҳадемай Ватан химоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллигини катта тантана сифатида нишонлаймиз. Бугун юртимизда ана шу қутлуг санани муносиб қарши олиш учун кизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Жойларда турли анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида журналистлар учун ташкил этилган "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг миллий хавфсизлигини таъминлашдаги роли ва ўрни" мавзусидаги ўқув-семинар шулар жумласидандир.

Тадбирда таъкидланганидек, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ушбу мамлакат армияси ҳимоя қилиши лозим. Шу боис истиқлолнинг илк йиллариданоқ юртимиз мудофааси давлат сиёсатининг ўстур вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республика-

## Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 20 йиллиги олдида

нинг мустаҳкам қафолати, истиқлолимизнинг метин кўргонига айланди. Армиямизга янгича аъёнлар кириб келди, маънавий-руҳий муҳит тубдан яхшиланди. Ҳарбий хизмат ёшларимиз учун чинакам ҳаёт мактаби, фахр ва ифтихор рамзига айланди.

Ўқув-семинарда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг масъул ходимлари, Куролли Кучлар академияси, Тошкент олий умумқўшниқўмондонлик билим юрти профессор-ўқитувчилари ОАВ ва килларига шулар ҳақида батафсил гапириб беришди. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қудратини ошириш йўлида қилинаётган улкан ишларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини жамоатчиликка янада кенгроқ етказиш, мазкур соҳага оид тайёрланган материалларнинг нафақат сони, балки сифатини ошириш бўйича ўларнинг таклиф ва тавсияларини бердилар.

Ш. ОРТИКОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## 1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг эътирофича, бугунги глобаллашув даврида кўпгина соҳалар қатори тиббиёт тизими ҳам жадал ривожланмоқда. Шу билан бирга, кейинги йилларда айрим хасталиклар хуружининг кучайиши ҳам кузатилмоқдаки, оқибатда минглаб одамлар нобуд бўляпти. Ана шундай ўта хавфли касалликлардан бири орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)дир.

# ТИББИЙ МАДАНИЯТ ВА САМАРА

Ушбу дард кун сайин жаҳон ҳамжамиятини қаттиқ ташвишлантираётган муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Негаки, бугун дунёда 40 миллиондан ортиқ киши мазкур касалликдан азият чекаётди. Касалликнинг давосизлиги ва юқиб хавфининг тезлиги ҳар биримизни оғоҳ бўлишга, унга қарши биргаликда курашишга қарзайди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда ушбу касаллик Жанубий Африка, Ҳиндистон, Зимбабве мамлакатларида, айниқса, авж олган. Бу ердаги максус касалхоналарга кунига юзлаб кишилар ётқизилмоқда. Аҳоли эса маҳаллий ҳукуматдан мазкур дард билан касалланганларга қарши жиддий чоралар қўлланилишини талаб этмоқда. Негаки, бепарволик ва но-чорлик боис вақтида назоратга олинмаган беморлардан дунёга келаётган чақалоқлар орасида ҳам ушбу касаллик билан оғирланган сони тобора ортиб бораётди.

Хўш, республикамизда одам иммунитетини вирус (ОИВ) инфекцияси мавжуд беморларни аниқлаш ва даволаш, касалликнинг онадан болага ўтишининг олдини олиш ишлари қандай ташкил этилган?

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Амалга оширилаётган тизимли ислохотлар жараёнида ОИВ инфекциясига қарши давлат сиёсати даражасида изчил кураш олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил

26 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида мамлакатимизда ОИВга қарши курашнинг ягона, янада самарали тизими шакллантирилди. Мазкур йўналишдаги марказларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш ва уларни ҳар томонлама рағбатлантириш йўлга қўйилди.

Врач-эпидемиолог Абдувоҳид Нурматовнинг айтишича, истиқлол йилларида юртимизда ОИВ инфекциясига қарши кураш тадбирлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стратегияларига мос равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий, Сирдарё ва Фарғона вилоятлари ОИТСга қарши кураш марказлари янги биноларда фаолият бошлаган бўлса, бошқа ҳудудлардаги марказлар замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Шу билан бирга, кўплаб ОИТС диагностика лабораториялари ҳам зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги қарори билан тасдиқланган "2009 — 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси"га мувофиқ, 7,5 миллиард сўмлик 23 турдаги замонавий лаборатория-диагностика асбоб-ускуналари жойларга етказилди. Сўнгги тўрт йилда юздан ортиқ мутахассис ривожланган давлатларда малака оширди. Бугун Ўзбекистонда бу йўналишда ишлаётган тиббиёт ходимлари 75 фоизгача устам ҳақ

Мухтасар айтганда, ОИТСга қарши кураш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлардан қузланган пировард мақсад халқимиз саломатлиги ҳамда жамиятимиз равнақидир.

Максуд ЖОНИХОМОВ.

тўланмоқда. Буларнинг барчаси ОИВ инфекциясини иммунофермент анализ, иммуно-блот тест-система, полимераз занжирли реакция каби энг замонавий усуллар билан эрта, тез ва бехато аниқлаш, ретровирусга қарши терапия муолажаларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Республика ОИТСга қарши кураш маркази қошида ташкил этилган 60 ўринли янги клиника замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланмоқда. Бу ерда Марказий Осиёда ОИВ инфекциясига чалинган фуқаролар даволанади, шунингдек, мутахассисларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун ҳудудий ўқув маркази ташкил қилинади.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги кенг қўламли ишлар жараёнида ҳомилалар аёлларда ОИВ инфекциясини аниқлаш, вирус фарзандаги ўтишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу йўналишда 450 мингдан зиёд ОИВ тестлари ўтказилди. Шу даврда ОИВ инфекциясини юктирган оналарнинг 95-98 фоизи соғлом фарзанд кўришига эришилди. Бу жаҳон миқёсидаги юқори кўрсаткичлардан биридир.

— Нафақат тиббиёт ходимлари, шунингдек, бошқа касб эгалари ҳам ОИВ инфекциясини борасида саводхонлигини юксалтириб бориши зарур, — дейди олий тоифали шифокор Ортиқали Исаев. — Бу борада ҳам қатор

тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, бир қатор таълим муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Масалан, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси билан ҳамкорликда "Ўзингни ўзинг асра" шиори остида таълим муассасаларида ўтказилган тадбирлар 10 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилди, улардан 1,2 минг нафари ихтиёрий равишда ОИВ тестидан ўтди.

Мухтасар айтганда, ОИТСга қарши кураш борасида олиб борилган кенг қамровли ишлардан қузланган пировард мақсад халқимиз саломатлиги ҳамда жамиятимиз равнақидир.

Максуд ЖОНИХОМОВ.

## Қисқа сатрларда

● Урганч шаҳрида Зулфия номидаги Давлат муқофоти учун республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 29 нафар истеъдодли киз фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ўз билим ва маҳоратларини синовдан ўтказди. Эндиликда голиблар танловнинг республика босқичида иштирок этди.

● Амударё тумани тиббиёт бирлашмаси Шошилинч тиббий ёрдан бўлимининг биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, 163 миллион 203 минг сўмлик замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди.

● Наманган шаҳрида "Иил аёли — 2011" танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Якунда Поп тиббиёт коллежи ўқитувчиси, "Шуҳрат" медали соҳибига Сайёра Султонова голиб деб топилди.

● Бухоро туманидаги Чорбак қишлоғида "Шифо Комили" хусусий клиникасининг ишга туширилиши билан вилоятда фаолият кўрсатилган шу каби муассасалар сони 141 тага етди.

Тадбиркор Отабек Каромов ташаббуси билан банкнинг 45 миллион сўмлик кредити эвазига бунёд этилган мазкур шифохонада аҳолига зарур тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар муайён этилган.

● Андижон вилоятида жорий йилда 7 та болалар муқофоти ва санъат мактаби бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Булоқбоши туманида ҳам ана шундай муассаса барпо этилиб, санъатсевар ёшлар ихтиёрига берилди. Мазкур хайрли ишни амалга ошириш учун 1 миллиард 742 миллион сўм сарфланди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## Корхона фаолияти кенгаймоқда

Зангиота туманидаги "Асадулло-нон" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини изчил кенгайтириб бормоқда.

### Иزلаниш

Айни пайтда истеъмолчиларга 10 турдан ортиқ сифатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераётган корхона қошида аҳолига савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда иш бошлаган замонавий озик-овқат дўкони, сартарошхона, компьютер хизматлари маркази фаолиятдан Назарбек қишлоғи аҳолиси мамнун. Мухими, маҳаллий ёшларнинг 6 нафари муқим иш билан таъминланди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур йўналишдаги ислохотлар самараси ўлароқ бугун пойтахт вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши қарийб 60 фоизни ташкил этмоқда.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҚИШ ФАСЛИ У қандай ўтади?

Ҳижрий-шамсий йил тақвимига кўра, ҳозир айни қавс оғи. "Қавс" сўзи ўзбекча "ёй" деган маънони англатади. Яъни қиш ёйи бу пайтда таранг тортилган бўлади. У қўйиб юборилгач, қаҳратон забтига олади.

Бу ой қишнинг бошланишига тўғри келгани боис унинг табиати ҳам турлича: баъзи йиллари об-ҳаво нисбатан илқ келиб, ёгингарчиликлар кам бўлса, бошқа йиллари ачиқ аёзни етаклаб келади. Рисоладагидек келган пайтларда эса гарби-жанубий томондан шамол тез-тез эсиб, ҳарорат 4-5 даража атрофида совиқ бўлади. Натijasида кечалари кўлмак сувлари ва шудгор қилинган ерлар юзаси музлайди.

Таъкидлаш керакки, бу йил қавс нисбатан совиқ келди. Ақраб ойида ёгингарчиликлар кўп бўлиб, қишга улаиб кетди.

хаммаёқ худди қор ёққан-дек қалин қиров билан қопланади. Ариқлардаги сув нисҳатда тинқилишиб оқади. Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг айтишича, қавс суви ўта сингувчан бўлади. Шунинг учун боғ-бон дехқонлар бундан боғ ва шудгорланган ерларни, албатта, суғорадилар. Негаки, шундай қилинганда, зараркунанда ва ҳашаротларнинг қишлаб қолаётган авлодлари ва уруғлари йўқотилади. Айниқса, қавс суви ток ва дархатларнинг бир неча метрлик томиларигагина етиб бориб, намликни узоқ муддат сақлайди. Тажрибали соҳибкорлар борроғларнинг бундай сувга тўйинганига қараб, келгуси йил ҳосилини чамалаш ҳам шундан. Чунки шу кунларда таралган



Бурж

обиҳаёт айни сув тортилган ёз чилласида дов-дархатлар танасига қувват бағишлайди. Натijasида узум ва меваларнинг ҳосили салмоқли, шираси эса ўткир бўлади.

Айни чоғда бу ой чорвадорлар учун қиш чилласига тайёргарлик қилиш ишларини якунлаш учун сунгги имкониятлар. Чунки қавс оёқлагач, тўқсон қиради. Бунинг маъносини шуки, бундан кейин Наврўзгача, яъни тўқсон кун давомийда қиш ҳукмронлик қилади. Унинг кўёшли кунларига ҳам

ишониб бўлмайди, зумда ҳавонинг авзои бўлиб, қор буронларини бошлаб келиши ҳеч гап эмас.

Кексалар ўз кузатишларига таяниб, бу йил қиш фаслининг серёён келишини айтишмоқда. Бугунга қадар кузатилаётган қор-ёғинлар ҳам шунга бир ишора. Шундай экан, қишнинг аёзларига тайёр туриш фойдалан холи эмас. Чунки мавсумнинг бетафот ўтиши унга қанчалик пухта тайёргарлик қўрилганига боғлиқ.

Р. САИДОВ тайёрлади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Очиқ оферта савдосига қуйидаги жамиятлар устав фондидаги ТИФ «Миллийбанк»нинг 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Танловга қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларлари)	
					Сўм	АҚШ доллари
1.	«AZIA-AYS» МЧЖдаги улуш музқаймоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 26-даҳа, Ширин кўчаси, 7-уй	100 фоиз	1 фоиз	1 628 540 000	924 461,15
2.	«AZIA-BISKVIT» МЧЖдаги улуш қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси, 26-даҳа, Заргарлик кўчаси	100 фоиз	1 фоиз	5 631 146 000	3 196 590,62

Оферта савдосига иштирок этиш истагидаги талабдорлар ўрнатилган тартибда тўдирилган бюртномаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллийбанк»га тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси ТИФ «Миллийбанк»нинг БХКМдаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 2 январь кунини Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 3 январь кунини Тошкент вақти билан соат 11.00 да ТИФ «Миллийбанк»да амалга оширилади.

Таклифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темураш хўжаси, 101-уй. Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60. Факс: (8-371) 234-44-38.

WWW.NBU.COM

## Реклама ва эълонлар

**LIЗИНГГА БЕРИЛАДИ**

**UzCaseService**  
**UzCaseAgroleasing**  
Tel.: 120-89-56, 120-89-58.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 185,7 ▲ +9,0 ЦЕМЕНТ (пц400 к20) 175,3 ▲ +5,0 АРМАТУРА 3668,4 ▲ +36,0 ШИФЕР (1 лист) 14803 ▼ -45 АЗОТ. ФОСФОР ЎГИТИ 370,1 ▲ +0,5 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

### Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуңчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди. ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тўғоев ва М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.30 Тоширилди — 01.00

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оринов.  
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.  
Навбатчи — М. Холматова.  
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

1 2 3 4 5